



## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ

### “БИР МИНТАҚА – БИР ЙЎЛ” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ТАДҚИҚИ

**АБЛАЖОН АДОЛАТ**

Филология фанлари доктори, Ланжоу Шимоли-Ғарбий Миллий университет

**ҲАСАНОВА ФЕРУЗА**

Ўқитувчи, ТошДШИ

**Аннотация.** “Бир минтақа – бир йўл” стратегик дастурунинг ҳаётга тадбиқ этилиши билан бирга, Марказий Осиё давлатлари тили тадқиқи нафақат чет эл илм аҳлининг, балки Хитой олимларининг ҳам диққатини жалб этмоқда. Мазкур мақола орқали Хитой Халқ Республикасида ушбу йўналишдаги тадқиқотлар, ўзбек тили бўйича ҳориждаги илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши жараёни ва тадқиқот натижалари, Ўзбекистон ва ХХРдаги тадқиқотларнинг илмий моҳияти, ХХРда олиб борилаётган тадқиқотларнинг йўналиши ва ҳар икки давлат олимларининг илмий ҳамкорлиги имкониятлари ҳақида фикр билдирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** бир минтақа – бир йўл, ўзбек тили, тадқиқот, стратегик дастур, ҳамкорлик, тилшунослар, изоҳли лугат, манбалар, лаҳжалар.

**Аннотация.** В статье выражается мнение о процессах и результатах научных исследований узбекского языка зарубежом, и в Китае в частности, научной ценности исследований в Узбекистане и Китае, направлениях исследований в КНР и возможностях научного сотрудничества учёных двух стран.

**Опорные слова и выражения:** один пояс – один путь, узбекский язык, исследование, стратегическая программа, сотрудничество, языковеды, толковый словарь, источники, диалекты.

**Abstract.** Along with the implementation of ‘The Belt and Road Initiative’, Central Asian studies have drawn attention of Chinese scholars again. This paper discusses a brief research history of Uzbek language studies abroad, and with more emphasis on China studies. Based on the academic value of Uzbek language studies in China and Uzbekistan, the paper also explores the research trends and the cooperative opportunities between scholars from these two countries.

**Keywords and expressions:** the Belt and Road Initiative; Uzbek language, research, strategic program, cooperation, linguists, explanatory dictionary, sources, dialects.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Дзинпин 2016 йил 22 июлда Ўзбекистонга ташрифи чоғида “Қўлни қўлга бериб ҳамкорликда Буюк Ипак йўлининг янги қирраларини кашф этамиз” номли нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Хитой буюк давлатлардир, ўзбек-хитой халқлари дўстона муносабатлари қадим-қадимдан буён давом этиб келмоқда. Муносабатларимиз тарихи, қадимдан сақланиб келаётган мустаҳкам алоқаларимиз, умимий мақсадларимиз бу давлатларимиз ва халқларимиз муносабатлари, ўзаро ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкам ривожининг битмас манбаидир. Унинг таъкидлашича, “Бир

минтақа – бир йўл” дастурунинг асосий ва устувор мақсади инсоний кадриятлар, илмий-техника, маданият, спорт, туризм, соғлиқни сақлаш, археология каби соҳа имкониятларини янада кенроқ очиш ва ҳамкорликни янада кучайтиришдан иборатдир. Бу ҳар икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши, икки давлат илмий ҳамкорлигини янада кучайтиришда муҳим омилдир. Бундан ташқари, “Бир минтақа – бир йўл” стратегик дастури жараёнида икки давлат тили ўзаро муомалада бўлиб ҳамкорликнинг муқаррар шарти ва боғловчи кўпригидир. Бу омил ўзбек тили йўналишидаги тадқиқотчи

олимларининг тадқиқот майдони вазифасини ўтайди. Хорижда ўзбек тили бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига назар соладиган бўлсак, Европа ва Америкадаги тадқиқот натижаларининг аксарият қисми ўзбек тилини тасвирлашга бағишланган тадқиқотларни ташкил этади, бироқ Хитойда ушбу йўналиш бўйича илмий изланишлар бироз кечроқ бошланган. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигини тарғиб қилиш, ўзбек тилининг қўлланилиш қўлами, ёзувини ўрганишдан ташқари, Хитой ҳудудида истикомат қилувчи ўзбекларнинг она тилиси бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўзбек тили чет тили ёки Хитойдаги камсонли миллатлар сонига кирувчи ўзбекларнинг она тилиси мақомида бўлишидан қатъи назар, “Бир минтақа – бир йўл” дастури давлатларининг ҳамкорлиги негизида ҳар икки тилда мулоқот қила оладиган, икки давлатнинг турли соҳаларига хизмат қила оладиган юқори малакали мутахассислар етиштириш, давлатлараро иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишлардан биридир. Мазкур мақоламизда ХХРда ўзбек тили бўйича олиб борилган тадқиқотлар тарихи, ривож ва тадқиқотлар натижаси, тадқиқотларнинг истиқболи ва йўналишлари ҳақида фикр юритилади.

### **Хитойда ўзбеклар ва ўзбек тили**

Хитойда “乌孜别克 – *wūzībiékè*” атамаси “Ўзбек миллати” ва “ўзбек тили”ни назарда тутди. Ўзбек миллати Марказий Осиё минтақасидаги биринчи кўпсонли миллат. 2013 йил статистикаси натижаларига кўра, бутун жаҳонда 30 миллион киши ўзбек миллатига мансуб бўлиб, шундан 23 миллион 929 минг 309 киши Ўзбекистонда, қолган қисми Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, камроқ сони Туркменистон, Саудия Арабистони, Украина, Хитой каби давлатларда истикомат қилишади. Ушбу аҳолидан 26 миллион нафари ўзбек тилида сўзлашади<sup>1</sup>. ХХРда ўзбек миллати трансчегарадош, яъни кам сонли

миллатлар каторига киради. 2010 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, жами 10569 киши ўзбек миллатига мансуб бўлиб, шулардан 90% ортиқроғи шаҳарларда, қолган қисми қишлоқларда истикомат қилишади. Хитойдан ташқарида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони кўп, шунга кўра тилнинг ҳаётийлиги кучли, бироқ Хитойда ушбу тилда сўзлашувчилар сони камлиги боис, хитойдаги ўзбек тили муомаладан қолиш арафасида.

Энг сўнгги лингвистик таснифга кўра (Johanson, 2006) ўзбек тили Олтой тиллари оиласи, туркий тил гуруҳининг жануби-шарқий бўғинига, шаклан агглютинатив тилларга мансуб бўлиб, Хитойдаги уйғур тили билан лексик, фонетик, грамматик жиҳатдан жуда яқиндир. Бироқ Хитойдаги ўзбек тили уйғур тилининг таъсири остида тил хусусиятлари уйғур тили хусусиятларига мослашиб кетган. Ёзуви жиҳатидан эса чет элдаги ўзбеклар лотин ва кирилл ёзуvidан фойдаланишади, Хитойдаги ўзбеклар араб алифбоси асосидаги уйғур ёзуви ёки қозок ёзуvida фойдаланишади, Хитойдаги ўзбек зиёлилари бир вақтда ҳам уйғур ёзуви, ҳам лотин ёзуви, ҳам хитой ёзуvidан фойдаланишади.

### **Хитойда ўзбек тили бўйича тадқиқотлар**

Хитой ҳудудидаги трансчегарадош ва кам сонли миллатлар тили сифатида, Хитойда ўзбек тили<sup>2</sup> бўйича олиб борилган тадқиқотлар бироз камроқ. Ўтган асрнинг 80–90-йилларида, бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган, хусусан, 1980 йилда Хао Гуанджонг (郝关中) ва Джанг ШиЖонг(张世荣)лар томонидан тузилган “Ўзбек мақоллари” тўпламида 593 та мақол тўпланган ва таржима қилинган<sup>3</sup>. 1950 йилда Хитойда ўтказилган тиллар тафтиши асосида 阿不都热合曼 Ченг Шилян (程适良) ва Абдурахмон (阿不都热合曼)ларнинг “Ўзбек тилининг қикача изохи” номли рисоласи ягона манба бўлиб, унда ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси, грамма-

<sup>2</sup> Хитой ҳудудида “ўзбек тили” ёки “ўзбек” атамаси “乌孜别克” сўзи билан юритилади.

<sup>3</sup> 郝关中, 张世荣. 乌孜别克族谚语选 [M]. 乌鲁木齐: 新疆人民出版社, 1980.

<sup>1</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Uzbek\\_language](https://en.wikipedia.org/wiki/Uzbek_language), 2016.



тикаси, синтаксиси ҳақида маълумотлар берилган ва бу ўзбек тили тадқиқотларида асосига қўйилган муҳим қадам бўлди<sup>1</sup>. 1987 йилда Абдуғани Ҳасан ва Ли Тайхе (阿不都艾尼·海山 李泰和) ҳам ўзбек тили ва ўзбек ёзуви, ўзбек шевалари ва уларнинг турлари ҳақида кичкача таништирув мақоласи чоп этилган<sup>2</sup>. Шундан сўнг, 1995 йилда, Ченг Шиланг (程适良) Хитойдаги ўзбек ва қозок тиллари фонетикасининг қиёсий таҳлилини амалга оширган. Энг ачинарлиси, Хитойда юқоридаги тадқиқотлардан кейин ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилмаган.

Сўнгги бир неча йилда Хитойда ўзбек тилига бўлган эътибор янада кучайди, илмий йўналишда янги тадқиқот натижалари пайдо бўла бошлади. Хусусан, 2012 йилда Адолат Абложоннинг “Хитойдаги ўзбекларнинг амалиётдаги тил вазияти тадқиқи”<sup>3</sup> номли докторлик диссертацияси социолингвистика йўналишида Хитойнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ўзбек миллатига мансуб аҳолининг амалиётдаги тили тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Мазкур тадқиқотда ўзбекларнинг тили қўлланилиши, тилининг ўзгариши ва чатишиб кетиши аҳоли тадқиқи этилган. 2013 йилда “Ўзбек тилининг кўрсаткич (evidentiality) грамматик маркерлари ва функциялари бўйича дастабки тадқиқот”, “Ўзбек тили модал системаси тадқиқи тил материаллари” каби илмий ишлари ўзбек тили тадқиқоти йўналишида яна бир янги қадам бўлди. Адолат Абложоннинг 2014 йилда нашр этилган “Ўзбек тилидаги мулоқотдан 366 та намуна”<sup>4</sup> номли сўзлашгичда 15 мавзуда кундалик мулоқотда мунтазам фойдаланиладиган 366 та лексик бирликнинг ўзбек-хитой-инглиз-япон ва рус тилларидаги таржималари жам-

ланган. 2015 йилда “Хитой ўзбекларининг тил маданияти тадқиқи” номли монографияда лингвистик тавсиф ва этнография нуктаи назаридан тизимли равишда хитойлик ўзбекларнинг тили ва маданияти таҳлилга тортилган<sup>5</sup>. Хитой Халқ Республикаси Олий Таълим Вазирлигининг “Тиллар заҳирасини муҳофаза қилиш” дастури доирасида, ҳозирги кунда муомаладан чиқиш арафасида турган тиллар сифатида ўзбек тили тафтишдан ўтказилди.

Бундан ташқари, Хитойда ўзбек тили хорижий тил сифатида тадқиқ этилиб ўрганилмоқда. Хусусан, Гулбону Купайтул ва Гулбахор Искандароваларнинг “Ўзбек тили дарслиги” (2016 йил), Конг Дзиеннинг “Хитой ва ўзбек тилларида кўп қўлланиладиган боғловчиларнинг чоғиштира таҳлили” каби ишлар Хитойда хорижий тил сифатида ўзбек тили бўйича тадқиқотларнинг янги саҳифаларини очиб берди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда хитойлик ёш тилшунослар ҳам бир анча илмий ишларни амалга оширмоқдалар, масалан Фотмагул Аҳмад (帕提古丽·艾合买提 2016) ва Хошим Тўхта (阿西穆·托合提 2017)лар замонавий илмий-технологик воситалар ёрдамида фонетик тажрибалар, лингвистик корпус яратиш бўйича янги натижаларга эришдилар. Янада муҳими, Хитой Халқ Республикаси Олий таълим муассасалари даражасида Марказий Миллатлар университетида, Шанхай чет тиллар университетида, Сиан чет тиллар каби университетларда ўзбек тили мутахассисликлари очилиб, дарслар олиб борилмоқда, бу ўз навбатида, ўзбек тилини ўрганувчи ва тадқиқот олиб боровчилар учун янада катта имкониятларни очиб беради.

Юқорида айтиб ўтилган ишлар мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларнинг натижасидир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хитой тили ва умуман хитойшуносликни ўрганилиши борасида бир қатор салоҳиятли ишлар амалга оширилганлиги хитойлик олимларга маълум.

<sup>1</sup> 程适良, 阿不都热合曼. 乌兹别克语简志 [M]. 北京: 民族出版社, 1987.

<sup>2</sup> 阿不都艾尼·海山, 李泰和. 乌孜别克语语言文字简述 [J]. 语言与翻译, 1987 (01): 41 - 45.

<sup>3</sup> 阿达来提. 中国乌孜别克族语言使用现状 [D]. 中央民族大学, 2012.

<sup>4</sup> 阿达来提. 乌孜别克语 366 句会话句 [M]. 科学文献出版社, 2014.

<sup>5</sup> 阿达来提. 中国乌孜别克族语言文化研究 [D]. 中央民族大学, 2015.


### **Ўзбек тили тадқиқотларининг ҳар икки давлат учун аҳамияти**

ХХР да ўзбек тили тадқиқотларининг энг аҳамиятли жиҳати, аввало “Бир минтақа – бир йўл” дастури доирасида Марказий Осиёдаги қадимий ва кўҳна Ўзбекистон билан, шунингдек, қўшни давлатларда ўзбек тилида сўзлашувчи халқ орасида дўстона муносабатлар ва иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳамда ўзаро мулоқот қилишда муҳим омилдир. Хитойлик тадқиқотчилар билан биргаликда ўзбек ва хитой тиллари бўйича илмий-тадқиқот тадбирларининг ҳамкорликда олиб борилиши, ўзбек тилининг Хитойда оммалашуви, ҳар икки давлат излашувчиларининг илмий ҳамкорлик алмашинуви негизида икки халқнинг дўстона муносабати янада юқори поғонага кўтарилади<sup>1</sup>.

Илмий тадқиқотлар нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўзбек тилининг аҳамияти ва қиймати қуйидагиларда ўз аксини топади: 1) ХХРда ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун туртки бўлди. Хорижий тил сифатида ўзбек тилига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормокда. Бироқ шунга қарамай, икки тилини биладиган ва ўқитадиган, шунингдек, имий тадқиқот олиб борадиганлар сони кам. Бунинг учун икки давлат зиёлиларинг ўзаро ҳамкорлиги ўта зарурдир. 2) Ўзбек-хитой, билингвист мутахассисларни етиштириш. Ҳар икки давлатда ўзаро тил ўрганиш зарур. ХХР ва Ўзбекистон ва қатор давлатлар ўртасида илмий ҳамкорликни янада кучайтиришда ҳар икки тилни биладиган мутахассисларни тарбиялаш. Муҳим аҳамиятга эга. 3) ХХР билан трансчегарадош ҳамда камсонли миллатлар тили сифатида аста-секин муомаладан чиқиш арафасида турган ўзбек тили мероси ва муҳофазасини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. ХХРда ўзбек миллатига мансуб аҳоли сони нисбатан кам, шунга кўра ўзбек тилининг ижтимоий салоҳияти ҳам чекланганлиги, ўзбек тилининг муомаладан чиқиб бораётганлигининг аниқ кўрсаткичидир. Шунга қарамай, ХХРда тил ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор

дастурлар ҳамда давлатнинг қўллаб-қувватлаши негизида муомаладан чиқиб бораётган тиллар илмий тадқиқот дастурлари орқали муҳофаза остига олинган. Икки давлат олимларининг ҳамкорликдаги тадқиқот ишлари натижаси ХХРда истиқомат қилувчи ўзбек миллати учун ўз она тили меросининг муҳим манбаи сифатида амалий ёрдам бўлади.

Хулоса сифатида, Хитой атрофидаги давлат билан мулоқот тили сифатида ҳоҳ Хитойда ўзбек тили тадқиқотларини ривожлантириш бўлсин, ҳоҳ Ўзбекистонда хитой тили тадқиқотларини ривожлантириш ва янги поғонага олиб чиқиш бўлсин, ҳар икки соҳа иқтисодий ҳамкорлигида ва тарқақиётида мазкур мазкур илмий тадқиқотларнинг алоҳида аҳамияти бордир. Икки давлат халқларининг ўзаро мулоқоти, олимларнинг ўзаро илмий ҳамкорлиги учун “Бир минтақа – бир йўл” стратегик дастури янги имкониятларни очиб берди. Бу борада ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ қилиш олимларнинг тобора диққатини жалб қилмоқда.



<sup>1</sup> Шазаманов Ш. Хитой ўзбек хитойшунослари тадқиқотларида / Шарқшунослик, №4, 2015. – Б. 128.